

---

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Фарғона вилояти Риштон туманида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Фарғона вилояти филиали томонидан Риштон туманида "Аҳолини ( Ёшлар ва хотин-қизларни) тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш" дастури асосида ташкил этилган ўқув семинари якунига етди. 45 нафар ёшлар тадбиркорлик сертификатига эга бўлишди. Сертификатларни топшириш маросимида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Фарғона вилояти филиали бўлими бошлиғи И. Исомиддинов, Риштон тумани 1-сонли касб-ҳунар мактаби директори С. Мадаминов, Ёшлар ишлари агентлиги Риштон туман бўлими мутахасислари Д.Ҳамдамов ва А. Зайлиддиновлар иштирок этишди.

2021-07-15 14:12:21